




ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>



MILITARY AUTHORITY AND THE WARRIOR SPIRIT

Qutbiddin Burkhanov

researcher

The center for improving the qualifications of lawyers under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: “Uzbekistan – 2030” strategy, Armed Forces, Defense industry, information and communication technologies, military potential, Amir Temur.

Received: 24.12.23

Accepted: 26.12.23

Published: 28.12.23

Abstract: Taking into account the complex global processes taking place today, it is one of our important tasks to increase the power of our Armed Forces further, the defense capability and military potential of our country. The “Uzbekistan – 2030” strategy defines these tasks' implementation, and we discussed them in this article.

ЖАНГОВАР РУҲ ВА ҲАРБИЙ САЛОХИЯТ

Кутбиддин Бурхонов

тадқиқотчи

Ўзбекистон республикаси адлия вазирлиги қошиидаги юристлар малакасини ошириши маркази
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, Қуролли Кучлар, Мудофаа саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, ҳарбий салоҳият, Амир Темур.

Аннотация: Бугун жаҳонда юз бераётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда Қуролли Кучларимиз куррати, мамлакатимиз мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш муҳим вазифаларимиздандир. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ушбу вазифаларни амалга ошириб борилиши белгилаб ўтлиган бўлиб, биз ушбу мақолада шулар ҳақида сўз юритдик.

ВОЕННАЯ ВЛАСТЬ И ВОИНСКИЙ ДУХ

Кутбиддин Бурханов

Исследователь

Центр повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики
Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Стратегия «Узбекистан – 2030», Вооруженные Силы, Оборонная промышленность, информационно-коммуникационные технологии, военный потенциал, Амир Темур.

Аннотация: Учитывая сложные глобальные процессы, происходящие сегодня в мире, одной из наших важных задач является дальнейшее наращивание мощи наших Вооруженных Сил, обороноспособности и военного потенциала нашей страны. Стратегия «Узбекистан – 2030» определяет реализацию этих задач, о них мы говорили в этой статье.

КИРИШ

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳасида жаҳонда содир бўлаётган мураккаб глобал жараёнларни инобатга олган ҳолда Қуролли Кучларимиз қудрати, мамлакатимиз мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада оширишга алоҳида урғу берилган.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дунёда кечеётган глобал жараёнлар огоҳлик ва хушёрликни янада оширишни, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида событқадам бўлишни тақозо этмоқда. Шу боис, Қуролли Кучлар рақамли салоҳиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билим ва қўникмаларини ошириш долзарб вазифага айланаштириб.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети базасида Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти ташкил этилди.

Мазкур институт Мудофаа вазирлигининг давлат олий ҳарбий таълим муассасаси бўлиб, саккизта йўналиш бўйича тактик бўғиндаги офицер кадрлар тайёрлайди. Институтда ихтирочиликни ривожлантириш ва янги инновацион ғояларни татбиқ этиш мақсадида олтига замонавий ўқув лаборатория фаолияти йўлга қўйилган.

Бугунги кунда Мудофаа вазирлиги раҳбарияти томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари илмий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, илмий тадқиқот ва изланишлар олиб бораётган ҳарбий хизматчилар, профессор-ўқитувчиларга шароит яратиб берилмоқда.

Қўшинларнинг жанговар руҳи ва салоҳиятини юксалтириш, хориждаги илгор тажрибаларни ўрганиш асосида жанговар шайлиги ва маҳоратини ошириш ҳам муҳим вазифа. Ҳозир миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш мақсадларига бугунги кунда дунёning турли минтақаларида кузатилаётган

ҳарбий можаролар хусусиятларини, қўшинларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда эътибор қаратилган.

Бу борада энг зарур қурол-аслача ва анжомларни сотиб олиш, уларни янги жанговар тизимлар билан биргаликда кўллаш ва такомиллаштириб бориш доимо эътибор марказида бўлмоқда. Зеро, мудофаа саноатини тизимли ривожлантириш, учувчисиз учиш аппаратлари, зирҳли автомашиналар комплексини такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир.

Ҳозирги кунда бу йўналишда тизимли асосда ишлар давом этяпти. Хусусан, мудофаа саноати самарали фаолият юритиши учун тегишли давлат комиссияси ташкил этилди. Мудофаа вазирлиги ҳузурида Мудофаа саноати агентлиги фаолият юритяпти.

Қуролли Кучлар ва куч тузилмалари билан ҳамкорликни кучайтириш, биргаликдаги ҳаракатлар самарадорлиги ва мувофиқлашганлик даражасини ошириш ҳамда юқори малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш ҳам муҳим вазифа. Ушбу йўналишда Вазирлар Махкамасининг тегишли қарори асосида олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари тўғрисида низом тасдиқланган. Мазкур ҳужжат хавфсизлик ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидағи олий ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мақсади ва асосий вазифаларини, таълим жараёнини ташкил этиш, шунингдек, таълим тизимини бошқариш тартибини белгилайди.

Таълим олувчиларни мутахассислик фанлари бўйича чукурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, интеллектуал жиҳатдан камол топиши ва маънавий ривожланишини таъминлаш ҳамда юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим муассасалари фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

Ўтган йили ҳарбий қисмларда илк бор “Амир Темур жанговар байроғи учун” мусобақалари бўлиб ўтди. Қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳарбий анъаналарни янада мустаҳкамлаш, буюк аждодларимизга муносиб мард ва жасур, билимли ва жисмонан бақувват Ватан ҳимоячиларини тарбиялашда ушбу мусобақалар бекиёс аҳамиятга эга.

Айни вақтда ўзбек аскарлари ҳалқаро майдонларда ўтказилаётган кўплаб нуфузли ҳарбий мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Жумладан, ҳарбийларимиз ҳалқаро армия ўйинлари, “Кембрия патрули” ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни кувонтиради.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича тизимли ишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу

борада ўтган йили мамлакатимиз бўйлаб “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар ҳаракати ташкил этилди. Барча умумтаълим мактабларида мазкур ҳаракатнинг 20 мингдан зиёд ўқувчи-ёшни камраб олган гурухлари тузилгани фарзандларимиз қалбida Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим.

ХУЛОСА

Қуролли Кучлар академияси ислоҳ қилиниб, келгусида унинг ҳарбий илм-фан соҳаси локомотивига айланиши учун мустаҳкам замин яратилди. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳам янгича ёндашув ва ўкув услублари жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг қудрати, мамлакатнинг мудофаа қобилияти ва ҳарбий салоҳиятини янада ошириш борасида муҳим чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этиляпти. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси лойиҳасида бу жабҳадаги ишларни янада янги, юқори босқичга кўтариш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Уларни ўз вақтида амалга ошириш халқимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, бу йўналишдаги қизғин ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг рўёбга чиқишига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, фақат тинчлик-осойишталик орқалигина қўзлаган эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришга, мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга эришамиз.